

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 3-ҳадис

3 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَوْصِنِي، قَالَ: «لَا تَعْضَبُ» فَرَدَّدَ مِرَارًا قَالَ، «لَا تَعْضَبُ» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламга «Менга насиҳат қилинг» деганида, у зот: «**Ғазаб қилма!**» дедилар. У киши (бу саволни) бир неча марта қайтарганида ҳам у зот: «**Ғазаб қилма!**» дедилар” (Бухорий ривоят қилган).

**Шарҳ:** Ғазаб- инсоннинг ўзлигидан ва инсонийлигидан чиқариб юборади. Оқибатда, киши табиати ва динига нолойиқ тарзда ҳаракат қилади. Ғазабидан тушгач эса афсусланиб, надомат чекишни бошлайди. Муаммо шундаки, ғазаб отига минган кимса, ўзига келгач содир этган қилмишини ислоҳ қилиши қийин кечади. Узр айтиш билан ҳам баъзан, муаммо ҳал бўлмайди. Шунинг учун Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир неча марта "Ғазаб қилма!" деб таъкидладилар. Чунки ғазаб ҳар қандай ёмонликнинг зага келтирувчи сабабдир. Шайтон алайҳиллаъна ҳам инсон ғазабланган пайтда унга васваса қилиб, ўйнашади.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Олим ва солиҳлардан насиҳат қилишни сўраш.
2. Сўзни таъкидлаш маъносида такрор айтиш.
3. Ғазаб кўплаб гуноҳларнинг юзага келишининг сабабчисидир. Шунинг учун Набий соллаллоху алайҳи васаллам ундан огоҳлантирганлар.
4. Мукулмон одам ғазаби келганида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига амал қилади: ғазаби келганида таҳорат олади, тик турган бўлса, ўтириб олади, ўтирган бўлса, ёнбошлаб олади.
5. Кучли ғазаб ҳолатида инсон кўпинча кейин афсусланиб юрадиган ишларни бажариб қўяди.
6. Ғазаб шайтоннинг инсонга васваса қилишига энг яхши, қулай фурсатдир.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI